ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

## 53 Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник экспулатация қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1549-1*

*(2011 йил 18 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сонли «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сонлар, 301-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2006 йил 23 январдаги 15-сонли буйруғи билан тасдиқланган Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 1549, 2006 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 9-сон, 66-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бошлиқ** **А. НИМАТУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 26 январь,
1-сон

www.lex.uz

* Илова рус тилидаги матнда берилган.